



Яқинда Республика Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 426-сонли буйруғи билан шу вазирлик қошида ҳуқуқшунослик техникуми ташкил бўлганига 20 йил бўлди. Ҳаёт эҳтиши ушанда ҳам қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида урта маълумотли юристлар тайёрлаш заруриятини тақозо этган эди. Собиқ Иттифокда ягона бўлган бундай даргоҳ ҳозирги Тошкент юридик коллеж техникуми эди. Қарангки, лаҳзалар қувлашиб жуда тез утяшги. 1992 йил 14 мартда техникум коллежга айлантирилди.

Юридик техникум ташкил этилган дастлабки йилларда ҳаммаси булиб 13 нафар муаллим ва иккита фан туркумлари мавжуд эди, холос. Ҳозирги кунда эса 46 нафар муаллим ҳамда



Коллежнинг фаолияти билан таниша туриб, куплаб ёшлар билан турли суҳбатлар утказдик. Мулоқотларимиз Конституциямизнинг беш йиллигига, қолаверса ижро қонунлари муҳокамасига бағишланди.

— Мен шу коллежнинг 3-курс толиби Сафаров Нуъмон булман, — дейди бир талаба. — Касб танлашим оддий ҳавас эмас, шунинг учун ҳам гарчи коллеж толиби булсамда орзуларимга етдим десамайман.

ди.

— Юристинг вазифасига нималар киреди?

— Шу саволнингизга мен жавоб берсам. Исмим Камолдин, фамилиям Тухтаев. Туртинчи курсда ўқийман. Юристинг вазифаси жиноятчини жиний жавобгарликка тортишгана эмас, балки жиноят йулига кириб келаётганларнинг олдини олиш ҳамдир.

— Жиноятнинг олдини ола туриб, жиноят қилиб қўйишлик ҳам жиноятми?

— Албатта, — ийиб кетди узини Сайфулла Раҳимбердиев, 3-курсда ўқийман деб таништирган йигит. — «Қош қўяман деб, қўз чиқарган» деб шунини айтади-да халқимиз. Айтайлик, бир киши узини ҳимоя қилмоқчи була туриб, қотилга айланиб қолиши мумкин. Бу энг охириги чорани қўллаш, суд жараёнида инobatта олинади, лекин бу ке-

«КЎРМАГАНДИМ», «БИЛМАГАНДИМ»НИНГ ЖАВОБИ БОР



фан туркуми ҳайъатлари 6 тага етди. Талабалар сони эса мингдан ошиб кетди. Коллеж директори, тажрибали муаллим, юридик фанлари номзоди, доцент Миршохид Мираҳмедов ўқининг янги усули ва воситаларига эътибор бериш давр талаби эканини дилдан англайди.

Коллежда укув услубий кенгаши ташкил этилган. Унда барча услубий ишлар ва қўлланмалар чуқур муҳокама этиб борилади.

«Муовин раҳбарга тиргақдир», — дейди директор.

Анвар Хидировни талаба ёшлар жуда ҳурмат қилишади. Зеро, бу муаллим ҳар бир ишнинг устида бош-қош. Истеъдодли талабаларни аниқлаш мақсадида мавзувий «Топқир ва зукколар» баҳслари, мунозара клублари ташкил қилиш, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ҳамда директор муовини бўлган Анвар аканинг вазифасига қиради. Коллежнинг ётоқхонаси қайта таъмирланиб 160 нафар талаба яшаш жойи билан таъминланган...

— Мақсадингиз нима эди?

— Чуқур малакали юрист булиб кимгадир нафим тегса.

— Ҳеч бир қизиқиб кўрганмисиз, бутун дунёда нима учун жиноятчилик ёшариб борапти?

— Албатта. Узоққа бормай таққосласак, мана шу туқсонинчи йилларнинг укувчилари билан ҳозирги мактаб укувчиларининг уртасида жуда катта фарқ борга ўхшайди. Жиноятчиликнинг купайиш сабаби, қонунни билмасликдан қўра, унга амал қилмасликнинг оқибати бу.

Шарофиддин Эшбеков ҳам шу коллежнинг 4-курсда ўқир экан.

— Шарофиддин, бўлажак юрист сифатида ёшларни «Қора курси»га ўтиргач «Билмагандим» деган баҳоналарига изоҳ қидиришга ҳаракат қилганмисиз?

— Агар биз бунга бир баҳона деб қарайдиган булсак, қонун ана уша баҳоначини кечирмайди. Қолаверса, бу масалани тергов жараёни ойдинлаштира-

чирилади деган гап эмас.

— Унда жиноятни кўриб-кўрмасликка олиб кетишлик-чи?

— Жуда куп одамлар шундай қилишади. Судма-суд гувоҳ бўлишдан қўра уйимда тинчгина утирай деб «Кўрмагандим», «Билмагандим»дан нарига ўтишмайди. Аммо бунинг илдизи очилиб қолса, жиний жавобгарликка тортилишларидан ҳам хабардор булиб қўйишса ёмон булмади, — дея жавоб қилди Нуъмонжон Сафаров.

Талабалар билан суҳбатлашиб кунглим таскин топгандек булди ва қувонч билан уйга толдим. Коллежнинг 20 йиллик фаолиятида бундай билимдон юрист толибларнинг нечтаси ҳаётга қўзатишган экан? Уларни ҳам кимдир саволга тутган булса мана шундай билагонлик билан жавоб қилишган булса ажабмас. Лекин қонунлар доирасида қалашиб ётган муаммолар масаласига келсак, ана уша билимдон булиб тарбия топган юристларни қидириб қоласан киши. Ҳар ҳолда ҳар кимнинг узига инсоф берсин-да.

Сайид ОЛИМ

Мактублар қутиси

ҚОНУН ҲАҚИДА ҚАЙГУРАЙЛИК

Қонун, қонун деймиз, унга амал қилмайдиганларга жуда кам эътибор қиламиз. Почта хизмати ҳақида ҳам бирор қонун борми? Нега унда бизда қонунга амал қилмайдилар. «Тонг юлдузи» газетасининг ҳар бир сонини бизга бир ой кечиктириб етказишга нима ҳақлари бор?

Илҳомжон ҚОРАТОВЕВ,
Андижон вилояти
Булоқбоши туманидаги
30-мактаб ўқувчиси

ҲАҚИҚАТНИНГ КАЛИТИ

Мен Уфада тутилганман. Ўзбекистонга 1992 йил, 8 декабрь кун кучиб келган эдик. Мухими, бу ерда укувчиларнинг билим олишга сарф буладиган харажатлари давлатимиз томонидан қопланиши, ёш авлодни саводхон, касб-хунарли, юксак маънавиятли этиб тарбиялашда катта гамхурлик курсатилишини куриб қувондим.

Конституциямизга келсак, юқориди айтганимдек, унда биз укувчиларга жуда кенг имко-



ниятлар яратилган. Умуман олганда қомусимиз ҳақиқатнинг калитидир.

Венера САРВАРОВА,
Самарқанд шаҳридаги
9-мактабнинг
11-синф ўқувчиси



ҚУЁШГА УХШАТАМАН

Ёшлар уртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида яхши ишлар қилина бошланди. Икки ойлар муқаддам Президентимиз Ислоом Каримовнинг ҳуқуқ органларининг юқори палата вакиллари билан утказган мулоқотлари, шунингдек, «Таълим туғрисида»ги Ўзбекистон Республика қонунининг ҳаётга юз курсатиши сузларимизнинг исботи булса керак.

Мен матбуот хабарларини кузатиб бораман. Мамлакатимизнинг моддий-техника базаси йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қувонарлидир. Конституциямиз масаласига келсак, мен уни Қуёшга ўхшатим ке-

лади. Ахир у, чинаккам туғри белгиланганлиги учун ҳам биз янглишмай ривожланиш йулидан кетаяпмиз.

Чунки у бахтимиз йулини еритган қуёшдир.

Бахриддин
АБДУРАҲМОНОВ,
Чортоқ туманидаги
18-мактаб ўқувчиси

ҲАМ УЙНАДИК, ҲАМ САБОҚ ОЛДИК.


Мен бахтли ўзбекман, озод
инсонман,
Тенглар ичра тенгман,
тахтим бор, бахтим бор.



Мен кўҳна дунёман, янги
замонман,
Халқим тақдирида ўз
дастхатим бор.

Бу жарангдор ва мазмунли шеър кун кеча Шайхонтохур туманидаги Ҳасанхон Исмоилов номли 41-мактабда булиб утган тadbирда янгради. Бошқа мактабларни билмадим, лекин бизнинг билим масканимизда ҳар доим турли байрамлар кенг нишонланади. «Бахтимиз қомуси» деб номланган бу сафарги тантанамиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 5 йиллигига бағишланди. Унда қуйи синф, юқори синф укувчилари байрам шеърларидан айтиб, чиройли рақсга тушдилар. Лекин бу сафарги шодиенамиз бошқаларидан фарқ қилди. Нега дейсизми? Tadbирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларидан мисоллар келтирилди. Мустақил диеримиз ривожланишининг асосий саналари ҳақида ҳам алоҳида тухтаб утилди. Мактабимиз директори Назира опа Аҳмедова шундай кечаларнинг утказилиши укувчиларда мустақил фикрлашнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Байрамда ҳам уйнадик, ҳам сабоқ олдик.

Адибахон
РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Тошкентдаги 41-
мактабнинг 9-синф
ўқувчиси



МАКТАБ— ИККИНЧИ УЙИМИЗ

Мактублар қутиси

ХАТЛАР ЁЗИБ ТУРАМАН...

Бу йил мактабимиз ташкил булганига 10 йил тулди. Шу муносабат билан мактаб биноси Шаҳрисабз шаҳар, Халқ Таълими ҳамда «Консерва» ҳиссдорлик-жамияти ҳомийлигида қайта таъмирланди. Синфхоналари замонавий қилиб жиҳозланди. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор музейи ташкил қилинди. Музейда адабнинг ҳаёти ва ижодига оид курғазмалар анчагина. Мактабимизда тез-тез турли кечалар ташкил этилиб турилади. Яқинда «Олтин куз»га бағишлаб, «Меҳржон» байрами бўлиб утди. Ушбу туйга атаб «Шаҳрисабз фарзандиман», «Нон ризқ-рузимиз», «Гуллагин-яшнагин Ўзбекистоним», «Математика ақли пешлайди», «Она тилим — жону дилим» каби мавзуларда деворий газеталар чиқардик. Албатта бу ишларимизнинг барчасига устозларимиз ва мактаб маъмурияти бош-қош. Биз мактабимиз, қолаверса меҳрибон устозларимиз билан фахрланамиз.

Дилафруз САТТОРОВА,
Қашқадарё вилоятидаги Абдулла Қаҳҳор номи
14-мактаб ўқувчиси

Ростини айтсам «Тонг юлдузи» деган газета борлигини яқиндагина, аниқроғи 31 октябрда билдим. Қаердандир қулимга унинг 22 октябрда чиққан сони тушиб олди. Қизиқиб қарасам, унда-яхши гаплар, бошқотирмалар кўп экан. Газетани онам ва дадамга курсатдим. Сингилларим ҳам уни қизиқиб, ўқиб чиқишди. Мен ва икки синглим инглиз тили ва математика фанларига йуналтирилган биринчи гимназияда ўқиймиз. Биринчи чоракни аъло баҳоларга тамомладик. Сингилларим билан бирга «Тонг юлдузи» газетасига келаси йил учун обуна булдик. Насиб қилса, янги йилдан бошлаб, мазза қилиб «Тонг юлдузи»ни ўқиймиз. Мен эса албатта, газетадаги «Буш утирма» саҳифасидаги қизиқарли бошқотирмаларга хатлар ёзиб тураман.

Фаррух ТОҒАЕВ,
Навобий вилояти Нурота тумани 1-гимназия синф ўқувчиси

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ҚАНАҚА БУЛАДИ?

«А» ДАН «Я» ГАЧА...

Иқтисодиёт алифбоси

Болалар, ёдингизда булса, биз олдинги сабоқларимизда «валюта» сузи ва унинг маъноси билан танишиб утган эдик.

Агар унутмаган булсангиз, «валюта» италян тилидан олинган бўлиб, «қадрлаш, қиймат» бирлигини ҳам англатади. Эсладингизми?! Ҳа, ҳа, валюта, яъни пул Америкада доллар, Германияда марка, Англияда фунт стерлинг, Японияда иена, Қозғистонда тенге, бизнинг Ўзбекистонда эса сўм деб аталади.

Ана шу узимизнинг пул бир-

лиги сўм эса бизнинг МИЛЛИЙ ВАЛЮТАмиз экан. Миллий валюта мамлакатлардаги ички муомалада, қуввати ва ҳолатига қараб халқаро ҳисоб-китоб ишларида ҳам қулланилар экан.

Қалай болалар, энди билиб олдингизми? Жуда яхши. Унда энди «миллий валюта» деган сўзларни эшитганда сира ажабланмасангиз ҳам булади.

«НОУ—ХАУ»НИ БИЛАСИЗМИ?

Кунлардан бир куни Ҳикма-

тулла синфга кириб келдию, Оқилжонга қараб кузини қисиб куйди-да, «Ноу-хау» деди ва кулиб юборди.

Оқилжон аввалига ҳеч нимага тушунолмади қолди, фақат атрофдаги синфдошларидан уялиб кетганидан, «Нега узингдан-узинг сукаясан?» деб унинг еқасига епишди. Болалар уларни зурга ажратиб куйишди.

Устозлари кириб, дарс бошлагандан кейингина Ҳикматулланинг нима дегани аниқ булди. Маълум бўлишча, у «Ноу-хау» деган сўзни радиога эпи-

тиб қолган ва унинг маъносидан келиб чиққан ҳолда «Оқилжоннинг дадаси математикадан берилган вазифаларни доим унга ишлаб беришидан хабарим бор, ҳаммасини биламан» демоқчи булган экан.

Хуллас, бу ғалати сузнинг маъноси аниқ булди.

Устознинг айтишларича, «Ноу-хау» инглиз тилидан сўзма-сўз таржима қилинса, ҳақиқатда ҳам «қандайлигини биламан» деган маънони англатар экан. Аслида эса у ишлаб чиқариш, тижорат, илмий-техникага оид билимлар, тажрибалар ва янги технологияларни сир

тутилиши деган маънода ишлатилар экан. Устоз бундан ташқари, бунақа сузларни билиб-билмай ишлатавериш ҳам нотўғри эканлигини айтиб, Ҳикматуллани ҳам қойиб куйдилар.

— Хуш, болалар, энди «Ноу-хау» — «Қандайлигини биламан» дегани эканлигини билиб олдингларми? — сурадилар устоз.

— Ноу-хау! — бараварига жавоб беришди болалар.

Ва ҳаммалари кулиб юборишди. Уларга устознинг узлари ҳам қушилдилар...

Эркин УСМОНОВ



«Ойнаи Жаҳон» — болаларга



Ўзбекистон телевидениесининг ўқувчилар учун берилаётган кўрсатувларини газетада эълон қилинаётганидан бери кўрсатувлар Бош муҳарририяга кўлаб мактублар оляпмиз. Хат муаллифлари аниқ режа асосида берилаётган кўрсатувларимизни катта қизиқиш билан кўришадиганликларини ёзишади.

Шу билан бирга кўрсатув юзасидан ўзларининг қимматли фикрлари, ажойиб таклифлари ва фойдали маслаҳатларини билдиришади.

Бир гуруҳ ўқувчилар Ўзбекистон телевидениеси қишлоқ мактаблари фаолияти ҳақида фикр юритишимизни сўрашган.

Айрим ўқувчилар эса фан ва техникага оид кўрсатувлар тайёрлашимизни таклиф этишади.

Азиз ўқувчилар! Худди шу мазмундаги хатларни инobatга олиб, «Болалар» Бош муҳарририяга Янги йилдан қатор янги кўрсатувлар тайёрлашни режалаштиряпти.

Энди биз сизга 8 декабрдан 14 декабргача ҳафта давомида намойиш этиладиган айрим кўрсатувларнинг қисқача шарҳини ҳавола этамиз.

Душанба, 8 декабр

Уз.ТВ-1 дастур

Ўзбекистон телевидениесининг 1997 йил 8 декабр куни Уз.ТВ-1 дастури орқали эрталаб 6.30 дан тунги 01.40 дақиқачага Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган «Демократик тараққиёт мезони» деб номланган узлуксиз кўрсатувларни намойиш этади.

Узлуксиз кўрсатувлар дастурида

«Миллат чечаклари»; «Чамандаги гулларимиз»; «Дунё курган болалар»; «Оқшом эртақлари»; Уз.ТВ-2 дастур 18.20 «Ёрилтош» мульттуплам.

18.35 «Табиат дунеси». Уз.ТВ-4

18.45 «Мульткарусель».

Сешанба, 9 декабр

Уз.ТВ-1 дастури

9.20 «Орзулар қанотида».

9.40 «Доно бобо даврасида».

10.30 «Давлат ва ҳуқуқ асослари».

11.00 Инглиз тили.

11.30 География.

18.10 «Ғунча меҳмонимиз». Унда бугун Республика ўқувчилари ўқийдиган журнални 3-4 соатда тайёрлайдиган Швейцариядан келтирил-

ган ажойиб дастоҳ билан танишасиз. Курсатувда журналнинг Бош муҳаррири, болаларнинг севимли адаби, ажойиб журналист Эркин Маликов иштирок этадилар.

20.10 «Оқшом эртақлари».

«ШУМ БОЛА» — ЗУР «БОЛА»-ДА

Ҳар якшанба куни буладиган «Камалак» курсатувини мунтазам кўриб бораман. Курсатув бошловчиси Хайрулла Саъдиев атрофига болаларни йиғиб олиб маҳорат билан курсатувни олиб борадилар. Кўриб мазза қиламиз. 50 ёшдан ошган «шум бола»нинг насихатлари-ю яхшиликка бошловчи даъватлари бизларни мультфильмлардан тўғри хулоса чиқариб, ўқишда, уйда ва кўчада ҳаммага урнак бўлишга ундайди.

Нодир СОБИРОВ,
Тошкент,
Чилонзор туманидаги 201-мактабнинг 4-синф ўқувчиси

Уз.ТВ-2 дастур 18.20 «Ёрилтош» мульттуплам.

Уз.ТВ-4 дастур 18.50 «Мульткарусель».

Чоршанба, 10 декабр

Уз.ТВ-1 дастур.

10.30 «Янги алифбони урганамиз».

13.15 «Шоирлар болаларга» Туроб Ниёзов.

20.10 «Оқшом эртақлари».

Уз.ТВ-2 дастур 18.20 «Ёрилтош» мульттуплам.

Уз.ТВ-4 дастур 18.45 «Мульткарусель».

Пайшанба, 11 декабр

Уз.ТВ-1 дастур 9.15 «Болаларга бахшида умр».

10.30 «Алифбо сабоқлари».

20.10 «Оқшом эртақлари».

Уз.ТВ-2 дастур 9.00 «Болалар дунеси».

18.15 «Эркатой» болалар учун дастур.

Уз.ТВ-4 дастур 18.45 «Мульткарусель».

Жума, 12 декабр

Уз.ТВ-1 дастур 10.20 «Ажойиб гилам» мультфильм.

10.30 «Зоология».

11.00 Немис тили.

18.10 «Беодоб» мультфильм.

18.50 «Футбол мактаблари-

да аҳвол қандай?».

20.10 «Оқшом эртақлари».

Уз.ТВ-2 дастур 9.00 «Эркатой».

18.20 «Бугуннинг боласи».

Уз.ТВ-4 дастур 18.45 «Мульткарусель».

19.05 «Умид чечаклари».

Шанба, 13 декабр

Уз.ТВ-1 дастур 9.40 «Маҳалламиз болалари» телемусобақа

10.40 «Сени Ватан кутади».

18.00 «Лоф уришга ким уста» мультфильм.

18.10 «Қизиқарли учрашувлар» Зикир Муҳаммаджонов.

19.50 «Оқшом эртақлари».

Уз.ТВ-2 дастур 9.00 «Бугуннинг боласи».

9.45 «Ёнмаган ёзувлар».

18.15 «Боланинг тили».

18.30 «Кусто командасининг сув ости саёҳати».

Уз.ТВ-4 дастур 9.25 «Шанба эртаги».

11.15 «Биргаликда куйлайлик».

12.45 Корейс тилини урганамиз.

18.45 «Мульткарусель».

21.00 «Болалар сузлаганда».

Якшанба, 14 декабр

Уз.ТВ-1 дастур 8.25 «Камалак» болалар учун кинодастур.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

12.10 «Қувноқ стартлар».

14.55 «Болалигим—попшолгим».

18.00 «Инсон ва шер» мультфильм.

18.10 Болалар учун «Омад юлдузи».

Уз.ТВ-2 дастур 9.00 «Боланинг тили».

9.15 «Кусто командасининг сув ости саёҳати».

9.45 «Қонун ҳимоясида».

18.15 Мультинорама.

18.35 «Кусто командасининг сув ости саёҳати».

19.00 «Синфдош».

Уз.ТВ-4 дастур 9.00 Хайрли тонг.

14.40 «Жонли сайера».

16.50 «Сенинг вақтинг».

18.45 «Мульткарусель».

Кўрсатувларимиз ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз азиз ўқувчилар, муҳтарам кўрсатувимиз муҳлислари!

Нигора МАМАДРАҲИМОВА,
Чуст тумани Олмос қишлоғидаги Фурқат номи 17-ўрта мактаб ўқувчиси

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ

ТАСАВВУР САРҲАДЛАРИДАГИ ГҶЗАЛЛИК

Рухий оламдаги гўзал туйғуларнинг дунёга келиш жараёни осонлик билан кечмайди. Томирдаги азоблар, изтироблар, қувончу шодликлар бош кўтаради. Сўнг ўша азоб ва роҳатларга лаб босганча вужудингдаги лаҳча чўғни улашасан. Сен улашган туйғуларнинг юраклардан жой олганини кўрганингда дунё тошган осмону фалакда парвоз қиласан. Сўзнинг илоҳий қудратига тасаннолар айтасан.

Бундан ўн икки йил илгари илк китобим чоп этилди, орқасидан «Самандар» деган қиссамни муҳокамага тақдим этдим. Ўша кунларда бошимга ёққан маломат тошларидан қанчалар кўнглим зада бўлди. Реализм методларини билмаслик, қолипга кирмаганликда қораландим. Аламимни яна ижоддан олдим, алам билан шундай ёзган эканман:

Бошимда айланар бир калхат,
Кўзига тик қарай олмайман.
Мудрайди руҳим, ботирлар карахт,
Юрагим йиғлайди уйғотолмайман...

Оллоҳга минг марта шукроналар келтириб, айтмоқчиманки, бугунги имкониятнинг биз учун қанчалар қимматлигини. Олтинчи йилдирки биз юрагимиздаги ботирларни уйғота бошладик, бошимизда калхатлар кўзларимизни ўймоққа шайланмаяптилар. Бироқ руҳимиздаги мудроқ асорати тарк этмаяпти. Биз ундан халос бўлмоғимиз учун бор имкониятни ишга солмоғимиз, иқтидорларни оёққа қўймоғига имкон яратиб бермоғимиз лозим. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, Қарши шаҳар халқ таълими бўлими яхши ташаббус билан иш бошлади. Яқинда Қарши шаҳридаги Ф. Фулом номидаги 21-мактабда вилоят бўйича иқтидорли болаларнинг слёти бўлиб ўтди. Унда бошқа соҳалар каби бадий сўз ишқибозлари, ёш қаламкашлар ҳам иштирок этдилар. Вилоятимизнинг турли чеккаларидан ташриф буюрган 40 дан ортиқ бадий адабиёт ихлосмандларининг машқларини Ёзувчилар уюшмаси Бадий Кенгаши аъзолари кўриб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари айтиб ўтди. 12 нафар иқтидорли қаламкаш мактабнинг оталиқ ташки-

лоти томонидан рағбатлантирилди. Слёт иштирокчиларига Ёзувчилар уюшмаси 50 дона китоб ҳадя қилди. Слёт беиз кетмади. Янги номлар кашф этилди, самимий сатрлар ўз мухлисларини топди. Ўзбек-турк лицейидан Жамшид Амиркулов, Акмал Примов, Қарши шаҳридаги 21-мактабдан Дилдора Зувайтова, 29-мактабдан Маҳбуба Хидирова, Муҳайё Шамсуддинова, Дилдора Тўлаева, Қамаш туманидан Юнус Бўронов, У. Юсупов туманидан Гўзал Норчаева, Нишон туманидан Малоҳат Тошқулова, Косон туманидан Хулкар Холиқоваларнинг илк қадамлари бизни қувонтирди. Уларнинг руҳиятларидаги изланишларидаги ўзига хослик, уйғониш фаслининг суратлари бизни кўнглимизда қониқиш пайдо қилди. Куйида анжуман иштирокчиларидан айримларининг ижодларидан намуналар ўқийсиз.

Шарофат АШУРОВА,
Шоира, Ёзувчилар уюшмасининг
Қашқадарё бўлими котиби

БАҲОР

Куклам нафасидан
уйғонди тупроқ,
Ҳофиздек куй куйлаб
тулганар дарё.
Қушиқдек туғилди
куртақда япроқ,
Юртим баҳорингни
кутлайди дунё.
Титроқ майсаларнинг
кипригида нур,
Қурқиб қалдироқнинг
қаҳқаҳасидан.
Етмиш хил ранг билан
товланади нур,
Балқиб камалакнинг зар
ҳалқасидан.
Ёмғирдан шалаббо
мунис чечаклар,
Заррин қуёш нурига юзин
тутади.
Алвон уфқларга тутиб
этаклар,
Борлиқ ёш боладай севинч
кутади.
Акмал ПРИМОВ,
Ўзбек-турк лицейи
толиби

ЎЗБЕКИСТОН

Жаннат макон маъвосан,
Баҳши чалган навосан,
Фарзандларинг суюқдир,
Келажагинг буюқдир,
Жонажон Ўзбекистон,
Онажон Ўзбекистон.
Мадҳиянгни куйлайман,
Бахтимиздан суйлайман.
Қушигимиз — Истиқлол,
Байрогимиздир — Иқбол.
Жонажон Ўзбекистон,
Онажон Ўзбекистон.
Юнус БҶРОНОВ,
Қамаш тумани Амин
Умарий номли мактаб
ўқувчиси

ЛОЛА

Сен гўзал шеъримнинг
сарлавҳасисан,
Лола, тоғу тошлар
маликасисан.
Елпиниб-елпиниб
чорлайсан мени,
Қиру далаларга боғлайсан
мени.
Рангинг мисли томиримда
қон,
Бағримга босаман,
юрагимда ён.
Марҳабо РАҲМОНОВА,
Қарши шаҳри 26-мактаб
ўқувчиси



Учириб қўйди

Рассомдир укаларим,
Паҳлавон чизди гулзор.
Кичик Алпомишжоним,
Қуй чизди, у беозор.
Зебунисо синглим эса,
Сувга кечириб қуйди.
Емасин деб қуй гулни,
Оғзини учириб қуйди.
Балхия НОРБОЕВА,
Қарши шаҳри 1-мактаб
3-синф

ҚУВОНЧ

Иймонга қайтди элим,
Гурурга тўлди дилим,
Истиқлол берди имкон,
Ўзбекистон-Онажоним.
Уқимоқдамиз тарихни,
Шайх Кулолим,
Насафийим,
Шоҳид бўлган
Бехбудийни,
Рухи қурғон-
жонажоним,
Ўзбекистон-Онажоним.
Лобар ХУДОЙҚУЛОВА,
Қарши шаҳри, 21-мактаб
7-синф

ДИЛИМНИ

ЎРИНЛАР ОРЗУЛАР
Зулматни ёритар Ой ва
Юлдузлар,
Дилгинамни ёритар
орзулар.
Ўзбекнинг дардидан
эртақлар сузлар,
Истиқлол маршини
чалар чолгулар.
Орзудек азиздир шу
ошён-Ватан,
Юртим тинч орзуга
етмоқлик бешак.
Занжирлар қушигин
тингламас элим,
Истиқлол орзуйимга
берайин безак.
Гулруҳ ЖАВЛИЕВА,
Қарши шаҳри 24-мактаб
ўқувчиси

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҶМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулно-
ра ЙҶЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҶИЗБОЕВ, Дадажон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИ-
МЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0821.
10960 нусхада босилди.
Қогоз бичими — А-3.
Босилишга тошириш вақти 19.00
Топириш вақти — 18.30
Навбатчи муҳаррир М.Ҳайдарова

• Руйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
1-33-44-25
1-36-57-91
1-36-54-210